ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1976 йил 27 январда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XXI пленуми бўлди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съездига ҳисоботи кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов пленумда ана шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум Марказий Комитетнинг Ўзбекистон Компартияси XIX съездига ҳисобот докладини бир овоздан тасдиқлади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 22 (2917).
ЧОРШАНБА
28 ЯНВАРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Мирзоҳмад Мирсоатов шаҳримиздаги офсет босма фабрикасининг илғор матбаачиларидан бири. Коммунистик меҳнат зарбдори унвони учун курашаётган бу илғор ишчи смена топшириқларини мунтазам ошириб адо этади, сифатли маҳсулот топширади.

СУРАТДА: М. Мирсоатов.

Р. Ҳамдамов фотоси.

МОСКВАГА — ТОШКЕНТ ДЎППИСИ

Бугун

бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи коллективи январь ойи планини ортиғи билан адо этди. Ўтган даврда 72 минг ўрнига 75 минг дўппи тайёрланди.

Цех коллективи шу ой бошланишида КПСС XXV съезди қатнашчиларига жўнатиш учун 3 минг дона дўппини планга қўшимча ишлаб чиқаришга аҳд қилган эдилар. Куни кеча 3 минг та Тошкент дўпписи Москвага жўнатилди. Булар Сифат белгисини олган ироки, чоргул, нозик каби дўппилардир.

Съездга совға жўнатишга муносиб ҳисса қўшган М. Абдуллаева, Қ. Қодиров, М. Мирзаева каби чеварлар шу кунларда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

27 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди.

Актив йиғилишида область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг раҳбарлари ҳамда улардаги партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг секретарлари тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитетининг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездига лойиҳаси ҳақидаги қарори ҳамда «1976 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа коллективларининг вазифалари» деган мавзуда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Актив йиғилишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, «Ўзбекшахтострой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи Д. А. Зазулин, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов, «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари Б. В. Ефремов, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Ҳ. М. Носиров, Андижондаги «Коммунар» заводи слесарларининг бригадири А. Абдурахимов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмитдинов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Л. П. Казанцева, Ўзбекистон ССР геология министри Ҳ. Т. Тўлаганов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олганликларини ва ўнинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга оширишга қатъий аҳд қилганликларини таъкидлаб ўтдилар. Ишлаб чиқариш резервларини янада сафарбар этиш, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақага оид қарорида баён этилган принциплар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленуми да сўзлаган нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосалар асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотлари коллективларининг 1976 йилги социалистик мажбуриятларини яқдиллик билан қабул қилдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

АРМАТУРАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Бугун

«Главташкентстрой» қошида янги ташкил қилинган конструкция-технология корхонасининг сўнгги ҳужжатларини расмийлаштириш тугалланди.

3-темир-бетон буюмлари заводи базасида бунёд қилинган корхона эндиликда қурилиш учун арматура ишлаб чиқара бошлайди. Илгари «Главташкентстрой»нинг ўнга яқин темир-бетон буюмлари заводида арматура қўшимча маҳсулот сифатида тайёрланар ва қурилиш объектларига ўз вақтида етказиб берилмас эди. Эндиликда бу қийинчиликка барҳам берилди ва арматура қурилиш бошқармалари буюртмаси билан объектларга ўз вақтида етказиб берилди.

Корхона бир ойда 650—700 тонна, йилига 7,5 —8 минг тонна арматура ишлаб чиқаришни планлаштирмоқда.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Октябрь районидаги Алишер Навоий номли маданият уйининг коллективи «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини меҳнаткашлар ўртасида кенг пропаганда қилишга бел боғлади. Маданият ходимлари Алишер Навоий номли адабиёт музейи олимлари билан ҳамкорликда райондаги қатор маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув муассасаларида учрашувлар ташкил қилмоқда.

«Ҳақиқат» ва Владимир маҳаллаларида бўлган учрашувларда музейнинг илмий ходимлари ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган улуғвор ишлар ҳақида гапирдилар.

БУГУН — РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Тошкент—жаҳонга

ДАСТЛАБКИ БУЮРТМА

«Подъёмник» заводи коллективи мижозлардан олинган бу йилги буюртмани жўнатишни бошлади.

Бугун

завод маҳсулотларни ортиш павильонидан Эронга бир туркум кўприк кранлари юборилди.

Эрон деярли уч йилдан буён шу корхонанинг маҳсулотларини олиб келяпти. Германия Демократик Республикаси эса корхонанинг дастлабки экспортчиларидандир. Ўтган йили у ерга 17 та турли кран юборилди. Бу йил ГДР, 20 га яқин кран жўнатилади. Шунингдек, Куба, Ироққа ҳам ўнлаб кўприк кранлари етказиб берилади.

АҲОЛИГА КИНО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ АНЧА ЯХШИЛАНСИН, КИНОТЕАТРЛАР ШОХОБЧАСИ ВА КИНЕМАТОГРАФИЯНИНГ МОДДИЙ БАЗАСИ КЕНГАЙТИРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

САНЪАТ САРОЙИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

РЕПОРТАЖ

САНЪАТ саройида кинофильмлар намойиш қилиш вақтинча тўхтатилди. Шу кунларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Февралда бу кошона яна ўз эшикларини очади. Шунда томошабинлар залга б о ш қ а томондан, қўшимча қурилган бино эшикларидан кирадилар. Сарой қисқа муддатда реконструкция қилинди, капитал ремонтдан чиқарилди. Бино ёнига қурилган кичик зал иншоот комплексига мужассамлашди.

Икки қаватли кичик зал вестибюлидан кирган томошабинлар сеанс бошлангунга қадар юқори залда лойиҳада таъкидлангандек, илмий-оммабоп, таълим-тарбияга оид ва ҳужжатли-хроникал фильмларни томоша қиладилар. Сўнгра катта залга кирадилар...

Томошабинлар бизни маъзур тутсинлар. Чунки, биз олдинроқ, бу ерга ташриф буюрдик. Сиз, азиз ҳамшаҳарларга таниш бўлган санъат кошонасининг бугунги жамоли ўзгача. 159-трестнинг азамат бунёдкорлари сарой ичи ва атрофини дид билан капитал ремонтдан чиқардилар. Бу улкан ишларни амалга оширишда уларга «Отделстрой», «Ташсантехгазмонтаж» трестлари, «КАЗмонтажавтоматика», ёнгинга қарши автоматика каби қурилиш ташкилотлари ёрдам бердилар.

Биз трест бошлиғи Марат Носирович Абдуллаев билан қурилиш-майдони, кичик зал қурилишини айланиб, нақшинкор вестибюлар, мармар қопланган лилар. Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ана шу кошонада ўтказилади. Бу ерда олиб борилаётган ишларнинг тез ва сифатли бажаришда ҳозиру-нозир, трестнинг еттита қурилиш бошқармаси коллективини сафарбар этган трест бошлиғи билан залда бўлдик. М. Н. Абдуллаев республика Компартиясининг XIX съезди делегати. 27-қатордаги 8— 9-ўриндиқда ўтириб, зални кўздан кечирдик.

Рўпарадаги улкан саҳна тўрида Коммунистик партиямиз асосчиси, ҳаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси В. И. Ленин сиймоси кўзга яққол ташланади...

Саҳна поли, шипдаги оқ шойи дарпардалар, деворлар, том янгиланган. Залга линолеум тўшалган, орқа томон тепадаги 11 устунга мармар қопланган...

Кичик зал қурилиши Санъат саройи комплексининг муаллифи Тошкентдаги шаҳар қурилишларини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти лойиҳа бош архитектори Серго Михайлович Сутягин лойиҳаси асосида бунёд этилмоқда. Унда ўтиш йўли, касса зали, санитария хоналлари ва бошқа қулайликлар бўлади.

— Саройни капитал ремонт қилиш туфайли канализация қурилди, бинони иссиқлик энергияси, сув, мўтадил ҳаво ва электр энергияси билан тўла таъминлаб туриладиган бўлди,— дейди 159-трест бошлиғи Н. М. Абдуллаев. — Энг муҳими — бирон жойда электр тармоғи узилган тақдирда ҳам залда томоша давом этаверади.

Бугун

бунёдкорлар томоша залидаги барча ишларни ниҳоясига етказишди. Эндиги вазифа— кичик зални битказиш. Шу мақсадда иш уч сменада олиб бориляпти. Бинокорларга қулай бўлсин учун уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ овқат шу ернинг ўзида ташкил этилган. Октябрь район, шаҳар партия ва совет органларининг раҳбар ходимлари ҳар куни қурилиш майдонида бўлиб, ишларнинг боришини кузатишяпти, навбатдаги вазифалар планини тузишяпти.

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси ҳар куни юзга яқин машина ва механизмлар ажратмоқда. Бошқарма ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Э. Ф. Керимов уларга бош-қош. Нурота, Газалкент, Наманганда мармар плита ва увоқлари келтирилиб турилибди.

«Таштрансспецстрой» трестининг В. И. Ан бошлиқ «Термоизоляция» бошқармаси ишчилари икки минг квадрат метр ҳажмдаги том ёпиш ишларини жуда қисқа муддат — бир ҳафтада бажардилар. В. Тринев, В. Ким, М. Ҳаитбоев, К. Турумбетов бригадалари ҳақиқий меҳнат жасорати кўрсатишди.

Н. А. Осмоловский бошлиқ 5-қурилиш бошқармасининг 50 га яқин ишчилари ободонлаштириш ишларини икки сменада олиб боришяпти. Улар 20 кунда 2100 квадрат метр темирбетон ва 1700 погон-метр гранит плиталар ётқизишга муваффақ бўлдилар. Э. Мустафоев, В. Азизов, М. Отамуҳамедовлар икки нормадан иш бажаришяпти. Бу ерда таниқли бинокор, Ленин ордени кавалери Тўлкин Саминовнинг 60 кишилик комплекс бригадаси, Н. Мичулис, В. Воронов, пардозчи А. Кабанов, мармар қопловчи С. Собиров бригадалари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Қурилишда 60 дан ортиқ турли миллат вакиллари ягона мақсад йўлида меҳнат қилмоқдалар. Бу мақсад— КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида баён этилган улкан вазифалардан бири — **совет кишиларини ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашда социалистик маданият ва санъатнинг ролини тобора оширишнинг** ёрқин тимсолидир.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Мутахассислар семинари

Бугун

машинасозлик бўйича бош лойиҳа конструкторлик технология бюросида республика мутахассисларининг семинари ўз ишини бошлади. Ў ишлаб чиқаришда технология тайёргарлигининг ягона системасини тадбиқ этишга бағишланган.

Йиғилишни СССР Давлат стандарти республика бошқармаси ва Ўзбекистон илмий техника жамияти Совети ўтказмоқда. Кенгаш қатнашчилари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асослари, стандартлар асосида ишлаб чиқаришни тайёрлаш системасини такомиллаштириш, бу технологияни ташкил қилиш ва бошқариш, технология жараёнларини лойиҳалаштириш системалари, технология жиҳозлари воситаларини стандартлаш ва такомиллаштиришнинг комплекс ишлари бўйича докладлар қиладилар.

Кенгашда «Ўзбекхиммаш», «Ўзбектекстильмаш», «Ташсельмаш» заводларининг мутахассислари ўз корхоналарида стандартлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан докладлар тингланади.

Г. ВОҲИДОВА.

ТУРИСТИК МАВСУМ БОШЛАНДИ

Шаҳримиз туристларидан бир группаси Миср Араб Республикаси, Сурия, Иорданияда бўлдилар. Улар орасида Тошкентдаги машинасозлик, автомобиль, электр ускуналари корхоналарининг ишчилари, қишлоқ хўжалик ходимлари бор эди.

Туристларнинг навбатдаги группаси Болгария бўйлаб сафарга чиқиш тараддудида. Бундан ташқари ҳамшаҳарларимиз Польша ва Чехословакияга ҳам сафар қиладилар.

Тошкент область касаба союзлари Советининг чет эл туризми бўлимида 1976 йилнинг дастлабки тўрт ойига ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Тўрт ойнинг ўзида 500 дан ортиқ киши сафарга чиқади.

Кейинги пайтларда шаҳримиз туристлари етиб бораётган мамлакатларнинг сони тобора кўпаймоқда. Ўзбек саёҳатчилари ўтган йили биринчи марта Озодлик ороли — Кубага сафар қилдилар. 1975 йилнинг ўзида 1816 киши туристик сафарда қатнашди.

Бу йил ҳамшаҳарларимиз биринчи марта Япония бўйлаб сафар қиладилар.



Пойтахтимизда даволаш муассасалари қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. «Главташкентстрой»га қарашли 8-трестнинг 4-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Ҳамза районида 500 ўринли поликлиника ва аптека қурилишини бошлаб юбордилар.

СУРАТДА: (ўнгда)—янги поликлиника котловани қурилишида. (Чапда)— илғор монтажчилардан (чапдан-ўнгга) Борис Пролубников ва Евгений Нуриддинов фотолари.

Тонгги газеталарда

▲ 26 январь куни Варшавада социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари халқаро ва идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари халқаро неснинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун курашнинг ҳозирги босқичи проблемаларини, давлатларнинг Умумевропа кенгаши якунларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий ишнинг антуал проблемалари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг кенгаши ўртоқларча, амалий вазиятда ўтди.

▲ Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари халқаро ва идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг кенгашида қатнашган КПСС делегацияси кеча Москвага жўнаб кетди.

▲ Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек кеча Варшавадаги кенгашда иштирок этган социалистик мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетларининг халқаро ва идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари билан учрашди. Учрашув дўстона, самимий вазиятда ўтди.

Маданий хизмат кўпаяди

Бугун

ЧИЛОНЗОР РАЙОН МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШИДА 1975 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА БУ ЙИЛ БАЖАРИЛАДИГАН МАДАНИЙ ИШЛАР ҲАҚИДА ГАПИРИЛДИ. Ана шу масала юзасидан район маданият бўлими мудири ҳамда маданият уйлари кутубхоналарининг бошлиқлари жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Ўтган йили район кутубхоналарида доимий ўқувчилар 25 минг кишини ташкил этди. Бундан ташқари маданият ходимларининг ташаббуси билан 176 та лекция ўқилди, 119 тематик кеча ўтказилди. 84 та бадиий ҳаваскорлик коллективида 2,5 минг киши қатнашмоқда. Уларнинг кучи билан 274 та концерт берилди. «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» маданият ва истиқлол коллективи ўтган йили 12 та театрлаштирилган байрам ва 200 та концерт кўрсатди.

Маданият ходимлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилини мазмунли ўтказиш, беш йилликда амалга оширилиадиган улуғвор вазифаларни, кенг пропаганда қилишга бел боғладилар. Бу йил районда қўшимча иккита янги кутубхона ва уларнинг бешта янги филиали очилади, қўшимча беш минг ўқувчи қамраб олинади. 8 та театрлаштирилган байрам ўтказилади.

Айни пайтда партия XXV съездини улуғлайдиган «Партия бизнинг раҳнамоимиз» деб аталган байрамни ўтказиш учун тайёргарлик олиб борилмоқда.

Маданият ходимлари Тошкент областининг Оржоникидзе, Жиззах областининг Фориш районларидаги хўжаликларга оталиқ ёрдамини кўрсатадилар. Қишлоқ жойларда иккита дала шийпони ташкил қилинади, ўнта концерт, ўнта фильм кўрсатилади.

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва областида бугун кечаси ва эртага кундузи ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Вақтивақти билан туман тушади. Ҳарорат бугун кечаси 0—5, эртага кундузи эса 9—14 даража иссиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Янги марралар

ПАРТИЯ ҲУЖЖАТЛАРИДАН РУҲЛАНИБ

МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛАДИ

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИ

«Энг янги ва ихтисослаштирилган транспорт воситаларини жорий этиш... учун транспорт йўли қурилишини кенгайтириш орқали ҳамма турдаги транспортни ривожлантириш ва техника билан қуроллантириш таъминлансин».

(«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан»).

Янги беш йилликда метро Ўзбекистон пойтахтининг энг қулай транспортига айланади. Мана уч йилдирки, Тошкентда кенг миқёсда олиб борилаётган метрополитен қурилишида йирик ҳажмда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу давр мобайнида Тошкент метроси биринчи навбати қурилишининг ярмидан кўпроғи, яъни 5,5 километрдан ортиқ икки йўлли туннеллар қуриб бўлинди. Ўтган йили 3130 метр ер ости туннеллари барпо этилиб, 22.680 куб метр монолит бетон, 7820 куб метрдан ортиқ йигма темир-бетонлар ётқизилди ва монтаж қилинди. Ҳаммаси бўлиб, Тошкент метро қурилиш трести бунёдкорлари ўтган йили ер ости йўллари ва станциялари қурилишида 14.6 миллион сўмлик бош пудрат ишларини амалга оширдилар.

«Октябрь революцияси»

станциясини, Тошкент ипподромини шаҳримизнинг Шимоли-Шарқидаги Трактор заводи шаҳарчаси билан боғловчи пойтахт метрополитени биринчи йўналишининг маркази деса ҳам бўлади. Яқинда, бу ерда «Ташметрострой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг В. Кожемякин бошлиқ злобинчи бригадаси ана шу биринчи йўналиш метро йўлининг иккинчи навбати қурилишини ҳам бошлаб юбордилар. Бу ердан шаҳарнинг Шимоли-Шарқ томонига қараб ер ости йўли очиб бориляпти. Бригада лаҳимчилари 1976 йилда иккинчи навбат қурилишининг дастлабки бекати «Москва» станциясигача бўлган ораликда икки қанотли ер ости йўли бунёд этишга бел боғлашган.

Метро қурувчилар ўтган йили «Октябрь революцияси» станцияси қасрида 420 куб метр монолит бетон ва 265 куб метр йигма темир-бетон конструкцияларини монтаж қилишиб, йирик ҳажмда пардозлаш ишларини ҳам амалга оширдилар. В. Шильников бошлиқ лаҳимчилар бригадаси эса бу станциядан бекати томонига ҳам туннель қазиб келмоқдалар. Бригада бунёдкорлари ер ости йўли барпо этишдаги лаҳим қазиш, унга монолит блоклари ўрнатиш, блокларни бир-бирига пайвандлаш каби барча ишларни бир йўла бажаришиб, туннелни тўла тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш усулида ишлаётган эдилар. Доҳий номи билан аталган станцияда ҳам йўловчилар метро поездларга тушиб чиқадиган ер ости қасри учун котлован қазиш ишлари қизғин олиб бориляпти.

А. Мелченко бошлиқ монтажчилар бригадаси «Копьёр» дизели ёрдамида станция қасри учун темир тўсинларни ўрнатишга киришди.

— Яқинда станция қурилишида асосий монтаж ишларини бошлаб юбордик, — дейди 2-туннель отрядининг 9-участкаси бошлиғи Н. Глушченко.

«В. И. Ленин майдони» станцияси ўз тузилиши жиҳатидан жуда улкан ва мураккаб бўлиб, унинг барча қисми йигма монолит бетондан бунёд этилади. Келгусида Аэропорт билан Юнусобод массивини боғловчи метро станциясининг ишчилари ва ходкачилар бригадаси «Пахтакор» ва «В. И. Ленин майдони» станциялари оралиғидаги метро трассасининг Анҳор соҳилида яқинда ўрнатилган БИС-5 шахтасида иш бошладилар. Улар бу ерда Анҳор канали тагидан иккита юз метрли туннель бунёд этишади. Бригаданинг зарбдор коллективи жуда мураккаб шароитли мана шу трассадаги Анҳор остида ер ости йўлини икки ой ичида бунёд этишга ахд қилдилар.

«Пахтакор»

станцияси қурилиши бошланганига бир йилдан ошди. Қурувчилар юртимизнинг ифтихор рамзи бўлган ушбу бекетни пахта шаклидаги жозибали нақшлар билан безаб, уни ўзига хос қиёфада бунёд этишмоқда. 1975 йилда «Пахтакор» станцияси қурилишида 2930 куб метр монолит бетон ётқизилиб, 680 куб метрдан ортиқ йигма темир-бетон конструкциялари монтаж қилинди. Бу станция ҳам келгусида ер ости йўллари туташадиган улкан қасрлардан бири бўлади. Қўйлиқ массиви станциялари оралиғида 7-кўпқисозлик трестининг 13-отряди қурувчилари «Оқтепа» канали устида метропоездлар ўтадиган кўприкни бунёд этишмоқда. Яқинда бу ерда ҳар иккала станция томонидан қуриб келинган кўприк тўсинлари бир-бирига туташтирилди. Шунингдек, бу трассанинг очиқ усулда бунёд этилаётган метро йўлида ҳам котлован қазиш ишлари тўла бажариб бўлинди. «Ҳамза» станциясида бу йил катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Яқинда Шорин бошлиқ монтажчилар бригадаси станция қурилишида вестибюлларни барпо этишга киришди.

Ҳамза номидаги ушбу станция Муқимий номидаги кўча кесишадиган жойда бунёд этилмоқда. Ушбу станция Чилонзордаги энг йирик ер ости қасрларидан бири бўлади. Навбатдаги станциямиз «Ҳалқлар дўстлиги» станцияси билан «Пахтакор» станциялари оралиғида А. Просолов бошлиқ бригада коллективи ўтган йилнинг биринчи ярмига қадар икки қанотли туннель қазиб бўлишганди. Ҳозир бу трассада гидрогеология ва ер ости сувларини камайтириш ишлари бажарилмоқда.

«Ҳамза»

станциялари оралиғида 7-кўпқисозлик трестининг 13-отряди қурувчилари «Оқтепа» канали устида метропоездлар ўтадиган кўприкни бунёд этишмоқда. Яқинда бу ерда ҳар иккала станция томонидан қуриб келинган кўприк тўсинлари бир-бирига туташтирилди. Шунингдек, бу трассанинг очиқ усулда бунёд этилаётган метро йўлида ҳам котлован қазиш ишлари тўла бажариб бўлинди. «Ҳамза» станциясида бу йил катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Яқинда Шорин бошлиқ монтажчилар бригадаси станция қурилишида вестибюлларни барпо этишга киришди.

Ҳамза номидаги ушбу станция Муқимий номидаги кўча кесишадиган жойда бунёд этилмоқда. Ушбу станция Чилонзордаги энг йирик ер ости қасрларидан бири бўлади. Навбатдаги станциямиз Бу иккала станция оралиғида ҳам икки қанотли ер ости йўли қуриб бўлинди. Шу кунларда бу метро йўлларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти. «СССР 50 йиллиги» станциясида Тошкент метро қурилиш трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Г. Штерн бошлиқ қурувчилар участкаси яқинда котлован қурилишини тугалладилар. Ҳозир ер ости сувларини камайтириш ишлари бажарилмоқда. Бу станция билан Студентлар шаҳарчасини боғлайдиган Тошкент метросининг иккинчи йўналиши ана шу ерда кесишади.

2-туннель отрядининг В. Япренцев бошлиқ монтажчилар бригадаси «Пахтакор» станциясини тез суръатлар билан бунёд этишмоқда.

Бригада коллективи бу трассада кеча-ю-кундуз уч сменада ишлаб, 1976 йилда доҳиймиз номи билан аталган станциягача бўлган масофада метро йўлини қазиб бўлишга ахд қилишган.

«СССР 50 йиллиги»

билан «Чилонзор» станцияси оралиғида В. Лисий бошлиқ лаҳимчилар бригадаси ер ости йўллини очиқ усулда бунёд этишмоқда. Бригада бошлиғи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. У бошчилик қилаётган тажрибали метро қурувчилар ҳар ойда бригада пудрати асосида ишлаб 24 метрдан ортиқ метро йўли бунёд этишмоқда. Бригада коммунистик меҳнат зарбдори.

«Чилонзор»

станцияси қурилишида 1975 йилда 4790 куб метр монолит бетон ва 1644 куб метр йигма темир-бетон конструкцияларини ётқизилди ва монтаж қилинди. Ф. Иногомов бошлиқ арматурачилар, Ю. Аникин бошлиқ монтажчилар бригадаси «Чилонзор» станциясида вестибюлларни барпо этишга киришдилар. Ҳозир станцияда гидроизоляция ишлари ҳам олиб бориляпти. Бу станция билан «Собир Раҳимов» станциялари оралиғида эса ер ости йўли тайёрланганлигига кўп вақт бўлди. Эндиликда 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчилари бу участкада ер ости сувларини камайтириш ва пардозлаш ишларини чиқоясига етказишмоқда.

«Собир Раҳимов»

станциясида П. Энис бошлиқ бригада биринчи вестибюлни қуриб бўлиб, иккинчи вестибюл қурилишини ҳам бошлаб юбордилар. Бу ерда ер ости поездлари турадиган депо ҳам бунёд этилади.

* * *

Учинчи беш йиллиннинг биринчи йилида тошкентлик метро қурувчилар ер ости йўлининг барча участкаларида ҳаммаси бўлиб 18 миллион 180 минг сўмлик капитал маблағларни ўзлаштиришни кўзда тутишмоқда. 1976 йилда тўрт километрдан зиёд метро йўли бунёд этилиб, биринчи йўналишнинг биринчи навбати қурилишларида туннеллар қазиш ишлари тугалланади. Бешта станция пардозлаш учун топширилади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Шаҳримиздаги Ғ.Ғулом номли бош кийимлар фабрикасининг ишчилари КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXV съездига лойиҳасидан руҳланиб, социалистик мусобақанни тобора қизитиб бермоқдалар. Сиз суратда шу корхонанинг илғор бичувчиси Ефим Мисюкни кўриб турибсиз. У шу кунларда 1979 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти.

И. Шоиноғомов фотоси.

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

Областимизда «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилиш давом этмоқда. Ангрен шаҳар, Бўстонлиқ, Бекобод, Пискент, Чиноз, Янгийўл районлари партия комитетларининг пленумлари, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгиобод, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон районлари партия ташкилотларининг партия активи йиғилишлари ана шу масалага бағишланди.

Пленумлар ва актив йиғилишлари қатнашчилари 1976—1980 йилларда мамлакатнинг ривожланиш планини якдиллик билан маъқулладилар, партиянинг совет халқи фаровонлигининг ўсишида оғишмай кўрсатаётган ғамхўрлигини таъкидладилар ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан зиммаларига социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси 1849 очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилиниб, уларда 91 минг киши қатнашди ва 7 минг 102 киши сўзга чиқди.

Меҳнаткашлар ва колхозчиларнинг ана шу масала юзасидан ўтказган 749 йиғилишида юз мингдан зиёд киши қатнашди, 4509 киши сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама қилиш давом этмоқда.

«В. И. Ленин майдони»

бекати томонига ҳам туннель қазиб келмоқдалар. Бригада бунёдкорлари ер ости йўли барпо этишдаги лаҳим қазиш, унга монолит блоклари ўрнатиш, блокларни бир-бирига пайвандлаш каби барча ишларни бир йўла бажаришиб, туннелни тўла тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш усулида ишлаётган эдилар. Доҳий номи билан аталган станцияда ҳам йўловчилар метро поездларга тушиб чиқадиган ер ости қасри учун котлован қазиш ишлари қизғин олиб бориляпти. А. Мелченко бошлиқ монтажчилар бригадаси «Копьёр» дизели ёрдамида станция қасри учун темир тўсинларни ўрнатишга киришди.

— Яқинда станция қурилишида асосий монтаж ишларини бошлаб юбордик, — дейди 2-туннель отрядининг 9-участкаси бошлиғи Н. Глушченко.

«В. И. Ленин майдони» станцияси ўз тузилиши жиҳатидан жуда улкан ва мураккаб бўлиб, унинг барча қисми йигма монолит бетондан бунёд этилади. Келгусида Аэропорт билан Юнусобод массивини боғловчи метро станциясининг ишчилари ва ходкачилар бригадаси «Пахтакор» ва «В. И. Ленин майдони» станциялари оралиғидаги метро трассасининг Анҳор соҳилида яқинда ўрнатилган БИС-5 шахтасида иш бошладилар. Улар бу ерда Анҳор канали тагидан иккита юз метрли туннель бунёд этишади. Бригаданинг зарбдор коллективи жуда мураккаб шароитли мана шу трассадаги Анҳор остида ер ости йўлини икки ой ичида бунёд этишга ахд қилдилар.

«Комсомол»

станцияси оралиғида ҳам ер ости йўли бунёд этиб бўлинган. Эндиликда О. Лукин бошлиқ бригада бу ер ости трассасида бетон блоклари бир-бирига пайвандланган чокларни қоришмалар билан суваш ишларини олиб боришяпти. Ўтган йили ана шу станция қурилишида 2870 куб метр монолит бетон ва 1460 куб метр йигма темир-бетон конструкциялари монтаж қилинди. Ушбу станция қурилиб, метропоездлари қатнай бошлагач, ҳамшаҳарларимиз бу ердан В. И. Ленин комсомоли номли марказий истироҳат паркига тушиб, дам олишлари мумкин бўлади. «Комсомол» станцияси билан қисмида платформа қурилишини жадаллаштиряпти. Ўтган йили ана шу станция қурилишида 2870 куб метр монолит бетон ва 1460 куб метр йигма темир-бетон конструкциялари монтаж қилинди. Ушбу станция қурилиб, метропоездлари қатнай бошлагач, ҳамшаҳарларимиз бу ердан В. И. Ленин комсомоли номли марказий истироҳат паркига тушиб, дам олишлари мумкин бўлади. «Комсомол» станцияси билан

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Металлургларнинг вазифалари

БУДАПЕШТ. Бешинчи беш йилликда (1976 — 1980 йиллар) Венгрия металлургларга олдида масъулиятли вазифалар турибди. 1980 йилга бориб пўлат ишлаб чиқариш шу соҳадаги етакчи корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 4,3 —4,5 миллион тоннагача етказилмоғи лозим. Масалан, шу йил Дунайварошдаги металлургия комбинатида катта кислород —конвертор цехи қурила бошлайди. У ишга туширилиши билан корхонада пўлат қуйиш 1,2 миллион тонна кўпаяди.

СОВЕТ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

ДЕҲЛИ. Калькуттада «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди олдидан» шиори остида совет китоблари виставкаси очилди. КПСС фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар ва брошюралар, партия съездларининг ҳужжатлари, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқининг ташқи ва ички сиёсати масалаларига оид асарлари виставка стендларидан кенг жой олган. Виставка томошабинлари СССРда ҳинди, ўрду, бенгал тилларида нашр этилган китоблар билан ҳам танишишлари мумкин.

Ҳиндистоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги КПСС XXV съездига тайёргарликнинг боришини зўр эътибор билан кузатиб турибди. Бу съезд, деди Ҳиндистон Коммунистик партияси, Ғарбий Бенгалия ташкилоти кенгашининг секретари Г. Банержи виставкани очиш маросимида сўзлаган нутқида, халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришда катта босқич бўлади. Бўлажак съездга бағишланган виставка совет халқининг ҳаёти, мамлакатнинг социал-иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси амалга ошираётган жуда катта бунёдкорлик иши тўғрисида кенг тасаввур беради.

ПОЛЬША. Лоддзаги «Олимпия» трикотаж фабрикаси маҳсулотларини харидорлар зўр қизиқиш билан сотиб оладилар. Бу корхона маҳсулоти сифатлилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ҳар йили «Олимпия»нинг бутун ишлаб чиқарган маҳсулотининг ярмидан кўпи бошқа мамлакатларга жўнатилади.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

ДАВЛАТ СЕКТОРИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

КОЛОМБО. Шри Ланка Республикаси қишлоқ хўжалиги ва ер министри Эктор Коббекадува митинглардан бирида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: капиталистик тартиблар тўлатилган тақдирдагина тараққиёт йўлидан олға силжиш мумкин бўлади. Бирлашган фронт ҳукумати хусусий сектор позицияларини заифлаштирадиган бир қанча тадбирларни амалга оширди, саноат корхоналари национализация қилинди, экинзорлар ва қишлоқ хўжалигига яроқли бошқа ерлар давлат назорати остига олинди, деб таъкидлади у.

Масалан, маҳаллий ва ажнабий капиталга қарашли экинзорларни национализация қилиш тўғрисида 1975 йил кузида миллий давлат ассамблеяси томонидан қабул қилинган қонунга мувофиқ жами 160 минг гектардан иборат 400 дан ортиқ чойзор, каучукзор ва кокосзорлар давлат қўлига ўтди. Бу ерларнинг бир қисми ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берилади, бошқа бир қисми Шри Ланка кооператив хўжаликлари қарамоғига ўтади. 1973 йилда бутун кончилик саноати, 1974 йилда эса мамлакатнинг графит саноати ҳам давлат контроли остига олинган эди.

Министрнинг гапига қараганда, ҳукуматнинг экономикадаги давлат секторини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўли давом эттирилади.

ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

ЛОНДОН. Англия ҳукуматининг социал эҳтиёжларга, жумладан уй-жой қурилишига сарфланадиган харажатларни қисқартириш тўғрисида қабул қилган қарори натижасида Шотландиянинг энг йирик саноат маркази— Глазго шаҳри инқироз ёқасида турибди. Ҳукуматнинг кўрсатмасига биноан шаҳар маъмурлари йиллик харажатларни 13 миллион 400 минг фунт стерлинг миқдорида камайтиришлари керак. Муниципал кенгаш аъзолари узоқ давом этган муҳокамадан кейин бюджетнинг амалда барча моддаларини қисқартириш ҳисобига ҳукумат белгилаган маблағнинг ярмини зўрба-зўр тежаб қолиш мумкин, деган хулосага келдилар.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАРШАВА. Франция экономика ва молия министри Жан Пьер Фуркад Польшада чиқадиган ҳафталик «Политика» газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатида жаҳон савдо-сотиғидаги кризис социалистик мамлакатлар билан Франция ўртасидаги мол айрибошлашга таъсир кўрсатолмади, деди. 1974 йилда социалистик мамлакатлардан қилинган мол импорти 42 процент кўпайди. 1975 йилнинг биринчи кварталида Франциянинг ялпи импорти 9 процент камайгани ҳолда, социалистик мамлакатлардан мол келтириш 9,8 процент кўпайди, деб таъкидлади министр.

БОННГ. Ғарбий Германиядаги Вупцертал шаҳрининг драма театрида Максим Горькийнинг «Васса Железнова» пьесасининг премьераси бўлди. Арно Вюстенхефер саҳнага қўйган бу асар премьераси зўр муваффақият билан ўтди.

Машғулотлар куни

Тошкент области партия комитети сиёсий маориф уйи методик Совети аъзолари ва область партия комитетининг масъул ходимларидан иборат бригада Олмалиқ шаҳрида бўлди. У бу шаҳарда партия, комсомол ва иқтисодий таълим системаси бўйича навбатдаги машғулотни ўтказди. Бригада аъзолари шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ҳамда партия ташкилотларининг ишларини анализ қилдилар.

Чўлқуварлар ҳузурида

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ САНЪАТ ДАРГОҲЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ИЖОДИЙ ГРУППА ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИГА ҚИЛГАН САФАРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ. Бу гастроль сафари КПСС XXV съезди шарафига ўтказилди. Уни Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика театр жамияти правлениеси ҳамкорликда ташкил қилган.

Ҳамиша баҳор

(Репортаж)

Ташқарида қиш чилласи, ичкарида эса баҳор. Ҳа, бу ердагилар қишнинг қаҳратон совуқларида ҳам ҳамшаҳарларимиз дастурхонига ёз неъматларини етказиб беришади. Теплица корпусларига қуш учадиган масофадан қарасангиз, худди ёнмаён тахлаб қўйилган гугурт қутичасини эслатади, кишига. Қўйлиқдаги айланма йўл ёқасига жойлашган бу энг йирик теплицада қишин-ёзин ёз неъматлари етиштирилади.

«Узплодоовощпром» бирлашмасига қарашли бу комбинат Ўзбекистон пойтахти аҳолисини ўз маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ҳар куни ҳамшаҳарларимизга 5—6 тонна бодринг, помидор, кўкатлардан петрушка, укроп етказиб берилади.

— Ҳозир теплицамизда ёз неъматлари жуда тўла етилгани йўқ, — дейди бизнинг билан суҳбатда комбинатнинг бош инженери Эркин Самиғов. — Март ойининг бошларида сабзавот ва кўкатларнинг тўла ҳосилга кирган вақти ҳисобланади, ана шу даврда ҳар куни 30 тонна маҳсулот етказиб берилади. Бундан 20 йил муқаддам биз ана шунча маҳсулотни бир йилда етиштирар эдик. Ўшанда теплица территорияси атиги бир гектар ерни эгаллаган эди, холос.

Сабзавотчилар ўтган йили жуда яхши меҳнат қилишди. Улар ҳамшаҳарларимизга 1600 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришди. Бу пландагидан 300 тонна кўпдир. Бу йил ҳам аҳил коллектив савдо шохобчаларига ноз-неъматларни ўз вақтида етказиб бермоқда. Ҳар куни аҳоли ана шу комбинатда етказилган ёз неъматларидан помидор, бодринг ва кўкатлардан 5—6 тонна олмоқда.

КПСС XXV съезди шарафига комбинат меҳнаткашлари оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Улар ҳар бир квадрат метрдан 15 килограмм маҳсулот ёки ҳар гектардан 150 тонна ноз-неъмат етиштиришга ахд қилишди. Бундай юксак унумдорликка эришиш замонавий агротехникани ишга тадбиқ қилиш, ҳар бир метр ердан унумли фойдаланиш ҳисобига эришилмоқда.

Бош инженер Э. Самиғов билан биз шу куни комбинатнинг барча участкаларини айланиб чиқдик, хўжалик ишлари билан атрофлича танишдик. Комбинат территорияси 14 гектар ерни ташкил қилади.

Бешинчи блокдамиз. Бу ердаги участкага Зиёдат Мирзааҳмедова бошчилик қилар экан. Участкадагилар ҳосилни йиғиштиришмоқда. Ишчилардан Б. Мадиярова, Қ. Худойқулсова, М. Аҳмедова, К. Йўлдошева, С. Муҳиддиновалар юз килограммга яқин бодринг теришиб, яшчикларга бир текисда қилиб, теріб қўйишибди. Бир неча соатдан сўнг ана шу сабзавотларни Ленин районидаги магазинлардан ҳамшаҳарларимиз харид қилишлари мумкин.



Иккинчи блокдаги қизлар ўртасида қизғин баҳс кетяпти. Муқаббат Жўраева ва Чўлпоной Жабборовалар соат 12 даёқ кундик нормаларини бажариб қўйишди. Энди улар помидорларни сортларга ажратишмоқда. — Савдо шохобчаларига маҳсулотларнинг энг сараси юборилмоқда.

— Хўжалигимизда 450 киши меҳнат қилади, — буларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этишади. Биз улар учун барча қулайликларни яратмоқдамиз — дейди теплица қуриш ва фойдаланиш комбинатининг директори Ҳусан Орипович Орипов. Ҳозирги кунда 50 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. Эндиликда бу боғча торлик қилиб қолди. Шунинг учун 200 ўринли болалар боғчаси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу бино энг сўнгги лойиҳалар асосида бунёд этилади. Биз ишчиларнинг меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олишлари учун ҳам барча шароитларни яратмоқдамиз. Шаҳримиздаги кинотеатрларга экскурсиялар уюштириш билан бирга, тарихий жойлардан — Самарқанд, Бухоро, Хевага сафарлар уюштирмоқдамиз.

Ноз-неъматларни аҳоли дастурхонига сифатли қилиб етказиб беришда А. Каримов ва И. Шоёқубов бош бўлган участкалардаги ишчиларнинг хизмати катта-дир. А. Каримов участкасидагилар 1977 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Улар иккинчи участкадаги 1977 йилнинг март ойи ҳисобига ишлаётган И. Шоёқубов билан мусобақадош. 1-участкада 23 киши бўлиб, ҳар куни бу азаматлар икки тоннага яқин маҳсулот етказиб беришади.

Ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йилида комбинат меҳнаткашлари ҳамшаҳарларимиз дастурхонига пландаги 1500 тонна ўрнига 1900 тонна маҳсулот етказиб беришга ахд қилиб ишлашмоқда. Бугунгача тошкентликларга 60 тоннадан ортиқ помидор ва бодринг етказиб берилди. Меҳнатсеварлар бу йил 65 минг дона лимон ҳам етказиб беришади.

Комбинат келгусида янада кенгаяди. «Ўзсельстрой»нинг 22-трест қишлоқ қўчма механизацияланган колоннаси қурувчилари яна олти гектарлик теплица қурилишини бошлаб юборишди. Ҳар беш йиллиқда хўжалик 26 гектарга кўпаяди. Ойналар остидаги далалардан ҳадемай 3000 тонна ҳосил етиштирилади.

Шаҳримиз атрофидаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланган бу теплица янада кенгайиб, ҳамшаҳарларимизга қишда ҳам худди ёзгидек ноз-неъматларни етказиб бераверади.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. ХАТАМОВ.

СУРАТЛАРДА: З. Мирзааҳмедова бош бўлган участкада бодринг узилмоқда, теплица хўжалигининг юқоридан кўриниши.

Ҳ. Йўлдошев фотолари.

◆ БАХТ — САОДАТ КАЛИТИ

◆ ОНАЛАР МАДҲИЯСИ

◆ ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИДА

◆ ҲУСНИНГИЗГА ҲУСН ҚУШАДИ

● *Улар номи билан аталган*

ҚАЛБЛАРДА ЯШАЙДИ

«Ҳурматли редакция! Собиқ Братск кўчаси ҳозир академик Сулаймонова номи билан юргизилади. Лекин ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан бу машҳур олимамиз ҳақида кам биламиз. Илтимос, Хадича Сулаймонова тўғрисида газетада материал берсангиз.

Н. ҚИДИРАЛИЕВ, Ю. УСМОНОВ,
Трактор заводи ишчилари».

Ажойиб ҳуқуқшунос олима Х. Сулаймонова 1916 йилда Андижон шаҳрида тугилган. 1935 йилда пойтахтимиздаги юридик институтини тамомлагач, республика Олий судида хизмат қилади. У 1945 йилда ўзбек аёллари орасида биринчилар қаторида юридик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилади. Олима 1950 йилда юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлайди. Х. Сулаймонова узоқ йиллар республика Юстиция министри, кейинчалик Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги юридик комиссиянга бошчилик қилади.

Суд системаси ва республикамиз жиноий кодексининг яратилиши, ривожланишига оид саксондан ортиқ илмий асар Хадича Сулаймонова қаламига мансубдир.

Республикамизда юридик фанини ривожлантиришда ва катта хизматлари ҳисобга олиниб, у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланади. Бевақт ўлим ажойиб олимани 1965 йилда орамиздан олиб кетди. Аммо унинг ёркин сиймоси қалбларда мангу яшайди.

Х. ХОЛМАТОВА,
Тошкент шаҳар 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси ўринбосари.

● *Ишчи ўйлари*

Илғорлик ва мураббийлик шиоримиз

Фирмамизда неча юзлаб номда тўқимачилик ва галантерея буюмлари тайёрланади. Бу буюмлар мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ шаҳарларига юборилади. Мунаввара Пирмуҳамедова участкамизда катта мастер бўлиб ишлайди. У бизларнинг ҳаммамизга ҳам бирдак ғамхўр, ишлаб чиқариш жонкуяри ва ёш ишчилар мураббийси ҳисобланади. Сафимизда кўплаб ёш ишчилар касб эгаллашмоқда, маҳорат ва билимларини ошириб, юқори вазифаларда ишлашмоқда. М. Пирмуҳамедова ҳам ана шундай оддий ишчилар орасидан етишиб чиққан мураббийдир.

Бизлар — тўрт киши бўяш-йиғиш ишлари билан бандмиз. Бизнинг ишимиз турли хил ленталар, йиғирилган иплар ва ипак матоларни бўяшдан иборат. Мен кўплар қатори тўққизинчи беш йилликда тўққизлар ташаббусига қўшилиб, икки беш йиллик шахсий план топшириғимни бажаришга сўз берган эдим. Фирмамизда гул босишнинг устаси ҳисобланган И. Рамакаева билан ўтган беш йилликда икки беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажардим. Корхона ветеран ва илғорлари сафимизга келган ёшларга турли касбларни қунт билан ўргатиб бормоқдалар. Фирмада ёш ишчиларга мураббийлик қилиш яхши йўлга қўйилган. Чунки бизнинг муносиб ўринбосарларимиз ана шу ёш ишчилар ҳисобланади. Марина Бурдинкова билан Татьяна Горуновалар мени устоз деб аташади. Бу қандай фахрли! Улар мен билан ёнма-ён бўёқчилик қилишади. Бу осон иш эмас. Шундай бўлсада, нормаларини ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Коллективимиз олдида ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида катта вазифалар турибди. Булардан энг муҳими — КПСС XXV съезди шарафига қабул қилинган оширилган социалистик мажбуриятдир. Фирма аҳли биринчи квартал планига қўшимча 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун курашмоқда. Бугун-эрта январь ойи плани бажарилганлиги тўғрисида рапорт берилади. Бундай ютуқларга ишлаб чиқаришнинг асосий таянчи бўлган кадрларнинг кучгайрати билан эришилмоқда. Улар республикамизнинг ўн донгдор ишчиларининг: «Беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш» тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Шулар қатори мен ҳам ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғимни бажаришга аҳд қилдим.

В. ЛОШАК,
«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг бўёқчиси, Ленин район Советининг депутати.

● *Меҳнатдан иззат топганлар*

ЧЕВАР ҚЎЛЛАР

Бундан беш-олти йил муқаддам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган буюмлар сифатини кўнгилдагидай деб бўлмасди. 9 миллион сўмликка яқин маҳсулот магазин омборларида туриб қолганди. Ўтган беш йилликда корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида анчагина ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилди. Вақт ўтиши билан улар ўз самарасини бера бошлади. 5 йил давомида бирлашма олаётган рекламациялар сони тўрт баравар камайди. 1973 йилда корхонанинг дастлабки икки буюми Давлат Сифат белгисини олди, 1975 йилга келиб бундай буюмлар сони 6 тага етди. Мана бу йил эса, коллектив беш қиррали белги билан тайёрланаётган буюмлар хилини 11 тага етказади.

Қўлга киритилаётган бу муваффақиятларда корхона коммунистлари алоҳида намуна кўрсатишяпти. Ана шундай коммунистлардан бири иккинчи тикув цехи дазмолловчиси, КПСС XXIV съезди делегати, шаҳар партия комитети бюроси аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Пўлатой Абдураҳмоновадир. Бу илғор ишчи смена топшириқларини мунтазам 140 — 150 процент бажариб, нормадаги 280 та ўрнига 380-400 костюмга юқори сифатда дазмол урмоқда. У ҳозир 1978 йил ҳисобига ишлаяпти.

Пўлатой опанинг бу қадар юқори унум билан меҳнат қилишида участкада огир жараёнлар механизациялаштирилганлиги, меҳнат шароити яхшиланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Илгари дазмоллаш участкасида костюмнинг фақат ёқаси ва этаги пресс ёрдамида, қолган қисми эса қўлда дазмолланарди. Ҳозир костюмнинг астаридан бошқа ҳамма қисми ярим автоматик «Паннония» пресслаш линиясида дазмолланаяпти. Фақат шугина эмас, ҳозирги дазмоллар илгаригисидан 2 килограмм енгил, сувни ўзи пуркайди.

Бироқ, меҳнат шароити қай даражада яхши бўлмасин, ишнинг муваффақиятини таъминлаш ҳар вақт ҳам ишчининг ўзига боғлиқ бўлиб қолаверади. Унинг иш вақтидан унумли фойдаланиши, юксак малакали ва тезкор бўлиши ютуқлар омили бўлиб хизмат қилади. Пўлатой опада бу сифатларнинг ҳаммаси бор. У бунинг учун дастлаввал қадрдон коллективидан миннатдор. Уни — бундан 20 йил аввал тикув машинасига ўтирган ёшгина, ишчи сифатида тайёрлаган, ишини ўргатди. Костюм тикишдаги 127 операцияни яхши билиб, донгдор ишчилар сафидан ўрин олиш учун эса 6-7 йил вақт кетди.

Ўтган йили газеталардан бирида «Беш йиллик пешқадамлари» рубрикаси остида Пўлатой Абдураҳмонова ҳақида сурати билан материал берилганди. Унда зарбдор ишчининг илгор тажрибаси ҳақида сўз юритилиб, смена топшириқларини 1,5 баравардан ошириб бажараётганлиги ёзилганди. Шунда шаҳардаги тикувчилик фабрикаларидан бирида бир киши газеталаги материални ўқиб, ундаги фактларга шубҳаланибди. Атайин бирлашмага келиб суриштириб, ҳамма гапларнинг ростлигига ишонч ҳосил қилиб кетибди.

— 30 йилдан бери тикувчилик қиламан, кўп чаққон ишчиларни кўрганман, —дебди у. — Лекин дазмол ишида бундай юқори кўрсаткичга эришган ишчини энди кўришим. Абдураҳмоновага минг офарин!...

Ўша одам Пўлатой опанинг қундалик меҳнати цех дарвозасидан чиқиши билан тугамаслигини, у беш болага тарбия бераётган она эканлигини, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида тўрт йил халқ хизматини қилганлигини билармикин?... Ўйлаймизки, билмаган бўлса керак. Билганда бу аёлга нисбатан ҳайрати ва эътиқоди янада ортган бўларди. Аммо коллективи, бирлашма партия комитети буларнинг ҳаммасини билади.

— Ишчи тақдирингиздан хурсандмисиз? — деб сўрадик биз Пўлатой опадан яқинда бирлашмада бўлганимизда.

— Хурсандман, — деди у. — Нега хурсанд бўлмай. Шу касбим туфайли обрў-эътибор топдим, эл-юртга танилдим, улуг воқеаларнинг иштирокчиси бўлдим...

Зотан, бизда кимки жамият манфаатлари йўлида халол меҳнат қилса, унга бахт кулиб боқади. У эл-юрт қўйнига сазовор бўлади, номи тилларга тушади.

И. НАЗАРОВ.

● *Ораста бўлинг*

Маска қандай тайёрланади?

Бундан бир неча минг йиллар аввал ҳам Рим ва Греция-лик аёллар юз терилари-нинг силлиқ, текис, яхши сақлаш мақсадида турли-туман маскалардан фойдаланганлар. Ҳар бир гўзал ўзининг рецептига эга бўларди ва бу рецептни сир сақларди.

Бугунга келиб бундай рецептлар сир эмас, маскани тайёлашни ҳар бир аёл билади. Ўттиз ёшдан ошган аёллар яшаришни ҳавас қилишади. Шунинг учун ҳафтада бир марта маска қилишни маслаҳат берамиз.

* * *

20 грамм хамиртуруш олиб, озгина сутга қориштирасиз. Қоришма қуюқ қаймоққа ўхшаши керак. Ҳосил бўлган маскани юзингизга бир текисда суриб қўясиз-да, қуригандан кейин, кўрсаткич бармоқда пастдан юқорига қараб донра шаклида массаж қиласиз. Сўнгра аввал иссиқ сувда, кейин совуқ сувда ювиб, сочикда яхшилаб артинг.

Бу маска юз терисини тозалайди. Хамиртурушли маскадан юзига ҳуснбузар тошадиганлар фойдаланиши мумкин.

* * *

Халқ медицинасида асалдан қадим замонлардан бери фойдаланиб келинган. Асалдан қуйидаги маскани тайёрлашингиз мумкин.

Икки қошиқ асал, икки қошиқ ун, битта тухумнинг оқини яхшилаб аралаштириб, ҳосил бўлган маскани юзингизга бир текисда суринг: 20 — 30 минут ўтгач, олдин иссиқ сувда, кейин совуқ сувда ювасиз. Асалли маска юз терисини тозалайди, тарангдаштиради, кўз ва оғиз атрофига ажин тушмайди.

* * *

Сузмали маскадан юз терисни озуқаланади ва тозаланади. Бу маскани қуйидагича тайёрласа бўлади:

Уч чой қошиқ сузма, бир ош қошиқ асал бўлса кифоя. Сузма ва асални яхшилаб қориштириб, крем ҳолига келтириб, сўнг юзингизга суринг.

Бу маскани кўпроқ кўз ва оғиз атрофига суриш керак. 20 минут ўтгач, сутга ботириб олинган пахтада артиб ташланади.

ТАРИХИЙ САФАР

Шарқнинг мусулмон аёллари асрлар давомида ўз ҳуқуқлари тўғрисида оғиз очолмадилар. Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлиб, аёлларнинг озодлиги учун дорлоқ йўл очиб берилди.

Партия Марказий Комитети ва унинг хотин-қизлар орасида ишлаш бўлими 1920 йилнинг охирида Шарқ халқлари хотин-қизларининг Бутунроссия съездига катта тайёргарлик кўришни бошлаб юборди. Съезд 1921 йилнинг 20 июнида Москвада бошланиши керак эди. Лекин Совет республикасининг марказида озиқ-овқатнинг танқислиги юз берганлиги муносабати билан бу катта йиғинни кечиктиришга тўғри келди. Туркистон хотин-қизлари делегацияси Тошкентда тўпланиб бўлгандан кейин ана шу ҳақда хабардор бўлди. Улар йўлни давом эттиришга аҳд қилдилар ва 78 киши Москвага жўнаб кетди. Делегация составида ўзбек, қирғиз, туркман, тожик аёллари, бир форс, бир хитой аёли бор эди. Москвага етиб борган хотин-қизларнинг биринчи мурожаати шундай бўлди: «Биз ишчилар доҳийси, рус аёлларигина эмас, балки бизларни ҳам озод қилган ўрток Ленинни кўришни истаймиз. Учрашмасдан қайтиб кетолмаймиз».

Уларнинг эзгу орзуси ушалиб — Владимир Ильич билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдилар. Ильич ўз табригида съезднинг қолдирилганлигини афсусланиб гапирди ва яқин келгусида албатта ўтказилишига ишонч билдирди.

Туркистон хотин-қизлари Москвада 12 кун атрофида бўлишди. Бу вақт ичида улар фабрикада, болалар боғчасида бўлишди, болалар байрамларида иштирок этишди. Хотин-қизлар жўнаш арафасида А. М. Коллонтай билан учрашдилар. Шарқ хотин-қизлари Москва сафаридан жуда кўп таассуротлар, янги ҳаётга меҳр ва муҳаббат билан қайтиб келдилар. Улар рус хотин-қизлари, революцион Москва, В. И. Ленин кўрсатган илтифот ва самимият учун миннатдорчилик билдирдилар.

Рўзғорда фойдаланасиз

Олмалиқ рўзғор кимёси заводи магазинларга янги маҳсулотларни юбора бошлади. Булар дезодорант «Тюльпан» ва ҳавони янгилайдиган восита — «Ветерок» ҳамда эмалланган идиш, кафел раковина, ванна тозалайдиган «Жемчуг» препаратидир. Харидорлар йил мобайнида неча юз минглаб банка шундай дориларни оладилар.

Корхонанинг маҳсулоти барча иттифоқдош республикаларга, Москва ва Ленинградга ҳам юбориб турилибди. Химиклар 40 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар, беш йиллиқнинг биринчи йилида яна 15 хил маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи. Бу йил савдо-сотиққа рўзғор кимёси моллари етказиб бериш йиллик ҳажми 4 минг тонна кўпайиб, 17,500 тонна бўлади.

● *Ҳикмат—бир ҳовуч олтин*

ҲАЁТ ЧИРОҒИ

* * *

Олижаноб хотинга киши жуфт бўлса,
Уйнинг зийнати — оройиши.
Ҳусни бўлса кўнгулга марғуб,
Яхши ақли бўлса жонга матлуб.

НАВОИЙ.

* * *

Хотин бўлса қобилу ақли расо,
Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

* * *

Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй.

АБАЙ.

* * *

Нўқ бизга онадек меҳрибон,
Синага қалқон, бош узра соябон.
Бизга ҳам лозим ани шод айласак,
Бизга қилган хизматин ёд айласак.

ҲАМЗА.

* * *

Доимо кулиб турувчи эр-нинг хотини дунёда энг яхши хотиндир.

А. ФИРДАВСИЙ.

* * *

Яхши хотин эрнинг тинчлиги, уйнинг ободлиги ва яхшилиқ қилишга ёрдамлашувчидир.

Яхши хотин— турмушга қўшар ҳусн.

Тожик мақоллари.

* * *

Меҳрибон хотин меҳрибон биродар ва меҳрибон ўртоқдан афзалдир.

Грузин мақоли.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцеванинг номи фақат республикамизда эмас, балки бутун мамлакатимизга яхши маълум. Илғор тўқувчи республикамизда биринчи бўлиб 24 тўқув станоги ўрнига 48 та тўқув станогида ишлашга ўтиб, миткал тўқиб чиқаришда мамлакат бўйича энг юқори унумдорликка эришди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев донгдор тўқувчига телеграмма йўллаб, уни тўққизинчи беш йиллиндаги улкан меҳнат ғалабалари билан самимий табриклади.

СУРАТДА: Лидия Павловна Казанцева ўз ҳамкасабалари орасида. В. Белоплотов фотоси.

СОЧИМ УЗУН БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Француз косметологлари сочни ўстириш учун қуйидагича парвариш қилишни маслаҳат беришди.

▲ Беш ош қошиқда ўсимлик мойини қизитиб, яримта лимон сувига аралаштирасиз. Аралашмани ҳар ойда 3-4 марта кечқурун ётиш олдидан соч тагига бир текисда суриб, эрталаб ювиб ташласангиз сочингиз бақувват ўсади.

▲ Сочим тез ўссин десангиз, бош ювишингиздан бир соат олдин сабзи сўки ва лимон сувини аралаштириб сочингизга суртиб қўйинг.

ЭҲТИЁТ ЯХШИ!

☆ Игнани дуч келган жойга тўғнаб, ташлаб кетаверманг. Игна ипи билан турса яна яхши, мабодо йўқолиб қолгудай бўлса, уни топиш осон бўлади.

☆ Тикув ишини бошлашдан олдин игна ва ангишвонани тозалаб олинг. Ишингиз тугагандан кейин ҳаммасини жой-жойига қўйишга одатланинг.

☆ Игна ва тўғнағични ҳеч қачон оғзингизда ушлаб турманг, нафас олаётганингизда тўсатдан ютиб юборишингиз мумкин.

☆ Игнани қўйлагингизга, дарпардаларга тўғнаб қўйманг. Айниқса болали уйларда игнани диван, кресло ва стол устига қўя кўрманг, бу жуда хавфли.

Қизлар дафтари

КУЛГУДАН

Сен мени жимликка ўргатма,
Қизғинлик бор қайноқ қонимда.
Ташвишсиз йўлларни кўрсатма,
Шамол елсин ҳаяжонимдан.

Маън қилмагил менга кулишни,
Кулгуга ўрганган кўзларим.
Истамам қайғуда сўлишни,
Кулишимни севар дўстларим.

«Қизим», деб меҳрибон шу замин,
Кафтида кўтариб турганда.
Қалбимга сиғмаган бу ишқни,
Илк бора мен ундан ўргандим.

Меҳримга йўғрилди сўнг қуёш.
Юлдуз акси кўчиб кўзимга.
Қалбимдаги оташин ҳавас,
Кулги бўлиб қўнди юзимга.

Сукунатга йўқ менда бардош,
Юрагим ёрилар қайгудан.
Менга қувонч қўшиғи йўлдош,
Лабларим қизарган кулгудан.

Гулчеҳра РАҲИМОВА

● *Дугонажонлар, сизлар учун*

МАРВАРИД ВА ФЕРУЗАДАН

Тошкент заргарлик заводида марваридли ва феруза кўзли зираклар, марварид ва табиий тошлардан ясалган кулонлар, жами 8 хил буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хотин-қизлар учун мўлжалланган, бири-биридан чиройли бўлган бу буюмларни завод бош рассоми М. М. Трошин бошлиқ ижодий коллектив яратди.

Коллектив бу йил жами 200 га яқин буюмни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, планга қўшимча 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ошишининг асосан меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига таъминлаш мажбуриятларини олиб меҳнат қилмоқда.

ИККИ ХИЛ МОДЕЛДА

Куни-кеча «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг Оқуйдаги филиали коллективи 4— 5 ёшли қизалоқлар учун мўлжалланган икки хил моделдаги қишки пальтоларнинг дастлабки туркумини савдо тармоқларига жўнатди. Коллектив ой охиригача янги пальтолардан 1,5 мингтадан ортиқ ишлаб чиқаришга сўз берган.

Филиал коллективининг Тошкент Модалар уйида тайёрланган янги моделдаги буюмлари жунли материалдан тикилган. мўйнали ёқаси бор, чўнтакларига чиройли гуллар ишланган.

Филиалда йил давомида жами 50 хил янги моделдаги буюмни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Коллектив йил бошиданоқ графиқдан ўзиб меҳнат қилмоқда. А. Герасимова, Д. Курбонова, М. Абибуллаева, Т. Лебедова каби чеварлар КПСС XXV съездига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун интилиб, смена топшириқларини мунтазам 120 — 130 процент бажармоқдалар.

ЯНГИ ҚЎШИК

Тақдирни олқишлайман сенга дуч қилган учун,
Уфқларни чўтлайман қанот бут бўлган учун.
Манзилларим кўп узоқ, ерзуларим бетузоқ,
Юрагимга кирганман, юрагимдасан ҳар чоқ.
Ойдин-ойдин йўлларнинг танобин тортиб боргум,
Елкамга юрт меҳри-ю соғинчин ортиб боргум.
Йиллар ўта сочларим тун рангини йўқотар,
Унда уйқуларимдан ҳорғин тушлар уйғотар.
Балки, ўкинарман ҳам—ёшлик ўтиб кетди, деб,
Ушанда атрофимга қўшиқлардан ёйғин сен,
Миннатдор туйғуларни оёғинга тўшарман,
Бахтиёр эканимга иқрор бўлиб яшарман,
Тақдирни олқишлайман сенга дуч қилган учун,
Янги қўшиқ бошлайман қалам бут бўлган учун!..

Бибисора ТУРОБОВА.

Нигорахон маслаҳати

ГЎДАК БОЛАЛАРНИНГ СОЧИНИ ОЛИШ КЕРАКМИ?

Бу савол шубҳасиз кўпгина ота-оналарни қизиктиради. Баъзилар бола бир ёшга тўлгунга қадар унинг сочини олмаслик керак, дейишади. Лекин, бу гап унчалик тўғри эмас. Одам организми ривожланган сайин соч ҳам етилади, пишийди. Унинг физиологик вазифалари ўзгаради. Гўдак боланинг сочи юмшоқлигича қарамай, у мўрт бўлади. Бир ёшга етгандагина соч ҳақиқий тусга киради. Бинобарин, мўрт, юмшоқ сочни аяб ўтирмасдан олиб ташлаш таомоман ўринлидир.

Бола ўсган сайин сочи йўғон тортади. Ҳар бир соч толаси 2— 4 йил туради. Соч аввало тез ўсади, икки ёшдан кейин секинрок ўса бошлайди. Нормал соч вакти-соати етгач, ўзлигича тўкилиб, ўрнига янгиси чиқаверади. Ҳар кечакундузда 40— 50 соч толасининг тўкилиб туриши нормал ҳодиса бўлиб, у кишида ташвиш уйғотмаслиги керак. Сочни қайнаган юмшоқ сувга ҳафтада бир марта ювиш, айни вактда «Косметик» ва «Спермацид» совунини кўпиртириб суриш тавсия этилади. Сочни ўриш, бураш, қаттик боғлаш, ҳадеб совук сувга ҳўллаш, бош кийимини тор қилиб кийиш сочнинг озиқланишига ҳалал бериб, унга ёмон таъсир қилади.

БОЛАЛАР ТЕЛЕВИЗОРНИ ҚАНЧА КЎРИШИ ЛОЗИМ?

Ҳозирги пайтда ҳеч бир хонадон йўққи, у ерда телевизор бўлмаган бўлсин. Киши ўзининг бўш соатларини «зангори экран» қаршисида марокли ўтказишга одатланган. Хўш, фарзандларимиз бир кунда телевизорда берилаётган эшиттиришларни қанча соат кўриши керак?

Маълумки, телестудияларимиз болаларимиз учун махсус эшиттиришларни мунтазам бериб боради. Агар ота-оналар диққат билан кузатиб бораётган бўлишса, бу эшиттиришлар болаларнинг кундалик режимига асосланганлигини, уларнинг соғлиғига ҳеч бир зарар етказмаслигини чуқур англайдилар.

Шуни айтиш керакки, болалар телевизион эшиттиришларни тез-тез ва узоқ кўрса, уларнинг кўзи ачишади, ёшланади, боши оғрийди ва шу каби ҳоллар юз беради. Эшиттиришларни томоша қилган болалар кеч ётиб, эртасига одатдаги вақтда уйғонолмайди. Қовоқлари салкиб, кўзлари хиралашади. Бундан ташқари уларнинг дам олиши, ўқиши ва уйда ота-оналарига кўмаклашиши учун ҳам вақтлари жуда оз қолади.

Хўш, болалар телевизорни қанча кўриши керак, деган ҳақли савол туғилади. 10 —11 ёшгача бўлган болалар телевизорни 60 —70 минутдан ортик кўрмаслиги керак. 11 ёшдан ошган болалар эса телевизорни бир ярим соатгача кўриши мумкин.

Телевизорнинг равшан ва аник кўрсатиши ҳамда экраннинг ҳажмига қараб томошабинлардан 1,5 — 2 метр узоқда туриши, шунингдек, уларнинг кўзларига нисбатан сал пастрокда бўлиши лозим. Болаларнинг телевизор экранига ён томондан ўтириб қараши тавсия қилинмайди, чунки, бунда тасвир нотўғри кўринади, кўз эса тез чарчайди.

Ва нихоят, хонани ёритиб телевизор кўрган маъқул. Бунинг учун стол лампасини шундай жойга қўйиш керакки, у томошабиннинг юзига ва экранга тескари бўлсин. Ҳар бир ўй бекаси фарзандини телевизор экрани рўпарасига ўтказишдан олдин ана шу маслаҳатларга риоя қилса, нур устига нур бўлади.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

•ЕНГИЛ ДАРД ДЕБ ҲАЗИЛЛАШМАНГ

•МУЗДЕК СУВНИНГ ФОЙДАСИ

•ҚИШ ЧИЛЛАСИ ПИСАНД ЭМАС

Гриппнинг асорати хавфли

Грипп — энг кўп учрайдиган ўткир юқумли касалликлардан биридир. Касалликнинг айрим ҳоллари ва кичик-кичик авж олиш ҳодисалари йил бўйи кузатилиб турилади. Вақт-вақти билан авж олиб турадиган грипп эпидемияси одатда дунёдаги бир қанча мамлакатларни қамраб олади. Гриппнинг тез юқиши, шунингдек, замонавий ҳаракат воситалари унинг тез тарқалишига сабаб бўлади. У бутун бир мамлакатга бир неча кун ёки ҳафтада тарқала олади.

Хўш, грипп қандай тарқалади? Гриппнинг оғир, шунингдек енгил формаси билан оғриган беморлар касаллик тарқатишга сабаб бўладилар. Енгил-елпи грипп билан оғриб «оёқда» юрган, кун бўйи кишилар билан учрашадиган беморлар айниқса катта хавф туғдиради.

Гриппни қўзғатувчи микроб жуда ҳам майда бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Грипп вируси махсус бактериал фильтрлардан осонгина ўтади (фильтрланади). Шунинг учун ҳам бу вирусни «фильтрланувчи вирус» дейиладди.

Грипп вирусини узоқ вақт чиқариб юрадиган кишилар (бемалол ташувчилар) ҳам бор. Ой сайин бўлиб турадиган касалликларнинг сабаби ана шундай кишилардир. Улар (беморлар) йўталганда, аксирганда, қаттиқ гапирганда ва нафас олганда оғзидан чиққан майда сўлак заррачалари билан ташқарига чиқади. Ҳаво билан соғлом кишиларнинг нафас йўлларига тушган грипп вируслари касалликни келтириб чиқаради.

Касал одам билан қўл бериб кўришганда, унинг нарсаларидан (дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқ, қўғирчоқларидан) фойдаланилганда ҳам касаллик юқиши мумкин.

Грипп вирусларининг қандай хоссалари бор, улардан қандай сақланиш мумкин? Гриппнинг уч мустақил типи бўлиб улар А, В ва С деб номланади: Буларни, ҳар биридан сақланиш чоралари турлича бўлади. Шунинг учун гриппнинг бир тури билан касалланган одамда унинг бошқа турига иммунитет (организмнинг касаллик билан оғриманслик хоссаси) ишламайди. Кишиларнинг қисқа давр ичида бу касалликка қайта-қайта дучор бўлиши ана шундан далолат беради. А типидаги вируснинг ўз хоссаларини тез-тез ўзгартиб туриши хавфлидир.

Грипп вируслари одам организмидан ташқари муҳитда тезда нобуд бўлади. Грипп вируси бир неча кун тирик сақланади Хлорли оҳак, хлорамин эритмалари вирусга кучли таъсир этади. Шу тарика, вирусларни йўқ қиладиган баъзи нарсаларни билиб олганимиздан кейин гриппга қарши комплекс кураш чораларини кўрсак бўлади. Бунга қуйидагилар киради:

1. Шахсий эҳтиёт чоралари. Грипп аломати бўлган беморни ўрнинг ётқизиб, уни бошқа оила аъзоларидан ажратиш ва тезликда уйга врач чақириш керак. Беморни сочиғи, идиш-товоқлари, алоҳида бўлиши, аксирганда бурнини ва оғзини рўмолча билан беркитиши керак. Рўмолча ва сочиқни тез-тез алмаштириб туриш, тутилганини қайнатиш ёки хлорли оҳак, 1 процентли хлорамин каби дезинфекция қиладиган эритмаларга солиб, кейин ювиб, дазмоллаш лозим.

Грипп бошланган даврда қўл бериб сўрашмаслик, қоида бўлиши лозим. Бемор тузалмагунча уйдан чиқмай, айрим хонада ётиши керак. Айрим хона бўлмаса, уйнинг бир чеккасига ширма ёки чойшаб тутиб, алоҳида жой ажратиш мумкин.

Гриппли беморлар ётган уйларни хлорли оҳак эритмаси билан (бир челак сувга 20 грамм хлорли оҳак солинади, дезинфекция қилиб латта билан артилиб), бинони 2—3 соат ёпиб қўйиш, кейин шамоллатиш керак. Беморга қарайдиган киши оғизбурнини беркитиб турадиган дока-боғлам (ниқоб) тутиши, қўлини тез-тез совунлаб ювиши керак. Гриппнинг олдини олиш (профилактика қилиш) учун офтобда, очиқ ҳавода юриб ва сувда чўмилиб организмни чиниқтириш, гимнастика машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш тавсия этилади.

2. Умумий эҳтиёт чоралари. Олимлардан Мартэн «Беморни кутиб ўтириш керак эмас, балки қидириб топиш керак!» деб жуда тўғри айтади. Беморни топиб соғ кишилардан мумкин қадар ажратиб қўйиш умумий профилактика қоидасидир.

Хавфли эпидемияларда касалхоналарда грипп касаллигига махсус палата, ётоқхона, мактаб ва болалар муассасаларида изолятор очилиши лозим. Шу билан бирга, болалар муассасаларида, умумий овқатланиш ва сотиш корхоналарида барча ходимларнинг дока-ниқоб тутиб юришлари шарт қилиб қўйилиши лозим. (Бундай ниқоб тўрт қават докадан иборат бўлиб, оғиз ва бурунни беркитиб туради). Бу қоидани бола эмизадиган ҳар бир она албатта эсида тутиши лозим.

Санитария назорати органлари умумий гигиена тадбирларининг амалга оширишини кузатилади, жамоат жойларида — театр, кино, мактаб, муассаса, вокзалларда, аэропортларда биноларни етарлича шамоллатиш, қатъиян тоза тутилиши, полнинг дезинфекциялловчи эритмалар билан ювилиши назорат қилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида бу ишларга алоҳида эътибор берилади; идиш-товоқ, вилка, қошиқ, пичоқни қайноқ сув билан обдон ювиш, умивальникларни қўйиш, бинони тоза тутишга эътибор берилади.

Бу эҳтиёт чораларидан ташқари, совет олимлари гриппни тирик вакциналар ёрдамида профилактика қилиш усулини топдилар. Бу вакциналар организмда гриппнинг энг кўп тарқалган А ва В вируслариға қарши иммунитет ҳосил қилади. Мамлакатимиз аҳолиси йил сайин вакцинация қилинадиган айрим шаҳарларда ва йирик саноат корхоналарида грипп эпидемияси даврида кишилар орасида касалланиш сони 2—3 марта камайтирилди.

Ҳозирги вақтда гриппнинг олдини олиш ва даволаш воситалари бор. Бу касалликка қарши курашда бутун аҳоли астойдил қатнашадиган бўлса, гриппнинг тарқалишига йўл қўйилмайди.

М. ТОҲИРОВ,

Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтининг бўлим бошлиғи, медицина фанлари доктори.

▲ ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

ЧОРТОҚНИНГ МИНЕРАЛ СУВИ

Чортоқ курортида ҳордиқ чиқараётган ҳар бир киши бу заводга суғонади, ҳали бу ерга келишга муваффақ бўлмаганлар эса айниқса қувонади. Давлат комиссияси шишага минерал сув қуйиб чиқарадиган Чортоқ заводини қабул қилиб олди.

Янги корхона икки гектардан зиёд ерни эгаллади. Унинг бош корпусида ўрнатилган автомат линиялар йилига 20 миллион шиша шифобахш сув бера олади. Ҳозирга қадар қудуқдан чиқарилувчи минерал сувни шишаларга солиш учун цистерналарда Наманганга олиб боришга тўғри келарди. Йўлда сувнинг самарали хоссаси қисман йўқоларди. Иш ҳам катта эмасди: бир йилда атиги миллион шиша сув чиқарилар эди.

Янги заводнинг бош корпуси «запас билан» қурилган. Унда ҳар йили юз миллион шишага қадар сув чиқариб туришга етадиган жой бор.

— Сув запаслари камайиб қолмасмикин?

— Сув ҳаммага етади. Гидрогеологларнинг фикрича унинг запаслари ҳали кўп йилларга етади. Бунинг устига Чортоқ сувининг ёнида қазилган янги қудуқдан бирмунча бошқа составдаги сув чиқди. Унинг шифобахш хусусияти яна ҳам кўп. Энди шу ерда яна бир қудуқ қазилмоқда.

(ЎзТАГ).

«МОРЖ» ЛАР СТАРТДА

(РЕПОРТАЖ)

Ўнлаб ҳамшаҳарларимиз қиш кунлари совуқ ҳавода чиниқадиган «Анҳор» ариғида ўтган якшанба куни тошкентлик қишда сузувчи ҳаваскорлар ёки «морж»ларнинг оммавий сузиши бўлди.

Ҳа, эндиликда сузиш ишқибозлари кўпайиб қолишди. Бундан бир неча йил илгари йўловчилар қаҳратон қишда муздек сувда яйраб чўмилаётган «тентак»ларни кўриб таажжуб билан кузатишарди. «Морж»лар қорда ялангоёқ югуриб, муздек сувда мириқиб чўмилишарди. Эндиликда тошкентликлар «Анҳор» ариғи атрофида чинакамига чўмилиш кийимларини кийган юзлаб ҳаваскорларни ҳар куни кўришга одатланиб қолишган.

— Биз минсклик, ленинградлик, москвалик ҳамкасбларимиздан орқада қоляпмиз, — деб ҳикоя қилади Михаил Аркадьевич Старшинский.

Касби врач бўлган бу киши ВЦСПС ўтган йили ташкил қилган «Жисмоний тарбия ва касб меҳнати системасида чиниқиш ва қишда сузиш» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида қатнашди. Эндиликда Михаил Аркадьевич ана шу ҳақда секциядаги ўртоқларига батафсил гапириб бериш ниятида.

Ҳа, қишда чиниқиш борган сари мухлисларини кўплаб қамраб оляпти. Минскдаги «Саломатлик мактаби»да 700 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Москвадаги мактабда эса «морж»лар бир неча минг киши.

Мутахассисларни нг таъкидлашича ҳар қандай соғлом киши ҳам қиш куни муздек сувда чўмилиши мумкин. Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчилари ана шундай фикрни қувватламоқдалар. Бу ишга киришишдан олдин албатта врачнинг маслаҳатини олиш лозим (Болаларнинг бадани ҳали қотмаганлиги учун қишда чўмилишлари ўринсиздир).

Тошкентлик «морж»лар кейинги йилларда ўз сафларини сезиларли кенгайтирдилар. Секцияга келган янги шогирдлар ўзларини қандай ҳис қилишмоқда. Биз сузиш қатнашчиларининг фикрларни ёзиб олдик.

А. ФЕДОРОВА,

врач:

— Секцияга беш йилдан бери қатнашмоқдаман. Пенсия ёшидан ўтган бўлсам ҳам, меҳнатимни давом эттиряпман. Қишда чўмилиш мени бардам ва ҳушчаклик қилди.

Н. МУҲАМЕДОВ,

маҳаллий саноат министрлиги ходими:

— 40 ёшдаман. Биринчи йил сузишим. Николай Михайловичнинг гапига қараганда ишим ўнгидан келаяпти.

Р. КРАВЦОВА,

ёшлар уйи меҳмонхонаси ходими:

— Мен уч йилдан бери «Анҳор» қирғоғига келяпман. Программамда сузишдан ташқари, қуруқликда югуриш, бадминтон ўйнаш ҳам бор. Ёшариб боряпман.

Моржларнинг сузиши қизғин ўтди. 30 дан ортиқ сузувчи қисқа дақиқада «Анҳор» бағрида яйрашди. Шу кун июлнинг жазирамали чошгоҳига ўхшаб кетди.

«Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг Тошкент области жамияти қишда сузиш ташаббускорлари ва ветеранларига қимматли совғалар ва ёрлиқлар таъсис этди. Область советининг инструктори С. Б. Бабусин ларни «морж»лар секциясининг ташкилотчилари А. С. Добранинин, Л. И. Сафир, П. Д. Зубаков, С. П. Гиголов, М. А. Старшинскийга топширади.

В. БЕЛОПЛОТОВ.



СУРАТДА: сувга тушишдан олдин бадан тарбия; сузиш; соврилар тошпирилмоқда.

Автор фотолари.

•Маданият хабарлари

Партия съезди шарафига

ЖИЗЗАХ. «Ватан» кинотеатрида КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездига бағишланган кинофестиваль бошланди. Фестиваль программасида кинофильмларни намойиш этишдан ташқари томошабинларнинг областдаги машҳур кишилар билан, партиянинг навбатдаги съездлари делегатлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Москвалик рассом совғаси

ШАҲРИСАБЗ. Ленин номли колхознинг меҳнат шон-шуҳрат хонасида янги сурат пайдо бўлди. Бу суратда хўжаликнинг машҳур кишилари— бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Маҳмудов, колхоз ҳараканинг ветеранлари Д. Тўраев, Ҳ. Маҳаматқулов ва бошқалар тасвирланган.

Москвалик рассом Т. Козлов бу суратни колхозчиларга тухфа қилиб юборган. У Қашқадарё областида ижодий командировкада бўлган эди.

Шеърият кечаси

ШАҲРИХОН. Ёш шоирлар ва ёзувчилар, адабиёт шинавандалари ўзларининг ижодий кечаларида Москва районидаги «Янги ҳаёт» район газетаси ҳузуридаги адабий уюшма аъзоларининг асарларини муҳокама қилдилар. Булардан энг яхшилари район ва область газеталарида босишга тавсия этилди.

Бу адабий уюшма қарийб ўн йилдан буён ишлаб турибди. Кўпгина ёзувчилар ва шоирлар улкан адабиётга шу ердан йўл олишган.

«Украина—жонажон ерим»

Бухоролик ёш ёзувчи Тошпўлат Аҳмедов ўзининг ҳамюрти — колхозчи ва жангчи Соли Кароматов тўғрисидаги ҳужжатли ҳикоясини шундай деб атади. «Правда» колхозидан бўлган бу пахтакор уруш йилларида пулеметчилик қилди. Полтавада фашист босқинчиларига қарши курашди.

Т. Аҳмедов асли қадимий Бухородан бўлган Улуғ Ватан уруши иштирокчилари қаҳрамонона ҳаётининг саҳифаларини қидира бошлаганига ўн йилдан ортиқроқ бўлди. Ёзувчи уларнинг изидан бориб, жанговар шон-шуҳрат таратган қаҳрамон шаҳарларда бўлди. У ўқитувчи Исмоил Мавлонов, пахтакор Ширин Бўронов, колхозчи Ҳамро Ражабов тўғрисида, Ватаннинг озодлиги учун қаҳрамонона жанг қилгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда. Т. Аҳмедовнинг «Ёш гвардия» республика нашриёти босиб чиқарган «Қасам ва қасос» сарлавҳали китобига унинг очерклари ва ҳикоялари киритилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28]I да Кўк эшик ортидаги аёл, 29]I да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28]I да Кўнгли ёш қариялар, 29]I да Туркман қизи.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29]I да Беш кунлик куёв (18.00).

КИНО

28 ЯНВАРДА

Муҳаббат — «ЎЗБЕКИСТОН» (18.00, 20.00).

Афоня — «ДРУЖБА», «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (18.00), «НУКУС» (19.00, 20.45), «ВОСТОК» (18.00, 21.00).

Мария учун олмослар — НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (20.00, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН», «БИЛИМЛАР УЙИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (21.45).

Дельфин куни — «ЧАЙКА» (18.00, 20.00).

29 ЯНВАРДА

Муҳаббат — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Афоня — ДРУЖБА», «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00). «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45,) «ВОСТОК» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00).

Мария учун олмослар — НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (20.00, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН», «БИЛИМЛАР УЙИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 21.45).

Дельфин куни — «ЧАЙКА» (14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРЛИК ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА ВА УНИНГ БАЗА ЛАБОРАТОРИЯСИ, ҲАМДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЛИМИГА

ИНЖЕНЕРЛАР: совутиш-компрессор машина қурилмалари бўйича механиклар, технологик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бўйича ва автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича мутахассислар, гўшт ва сут саноати мутахассисликлари бўйича механик ва технологлар, сантехник, саноат эстетикаси бўйича; **ПОЛИГРАФИЯ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ МЕХАНИК, ҲАРФ ТЕРУВЧИЛАР, ПЕЧАТНИКЛАР, ЮК ТАШУВЧИ**

КЕРАК

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация Бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ УСКУНАЛАР ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ, ПРОКАТИ ВА РЕМОНТИ КОНТОРАСИГА

ҳамма касбдаги қурувчилар: токарлар, фрезерчилар, газ-электр пайвандчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

ЕЛГИЗ КИШИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация Бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУЗЕЙИ ДОИМИЙ «МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ» ЛЕКТОРИЙСИ ВА «САЛОМАТЛИК ЭКРАНИ» КИНОЛЕКТОРИЙСИНИ

ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

ЛЕКЦИЯЛАРНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ЕТАКЧИ МЕДИК-ОЛИМЛАРИ ЎҚИЙДИ ВА САНИТАРИЯ-ТОЗАЛАШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

31 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ДА

«БАХТСИЗЛИККА ИУЛ», «АЛКАГОЛЬ — АҚЛ ДУШМАНИ», «ИНСОННИ САҚЛАБ ҚОЛ» кинофильмлари намойиш қилинади.

1 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА

«ЮРАК СИРЛАРИ» деган темада лекция ўқилади.

КИРИШ БЕПУЛ.

Справка учун телефонлар: 33-40-53; 33-41-53.

ТЕЛЕВИЗОР

28 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Ламалак» программаси. 17.50 «Лез бобо ваез». Мультфильм. 18.10 «Қизил галстук». **Рус тилида:** 18.40 «Ахборот» информацион программаси. 18.55 «Иқбол» программаси. «Хотин-қизлар, сизлар учун». **Узбек тилида:** 19.15 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик турмуш тарзи ва аҳлоқий сифатларни тарбиялаш». 19.30 Ўн минут музиқа. 19.40 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 20.00 «Съездан-съездгача. Совет Армениистони». 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Сурхондарё область музикали драма театрининг ижодий йўли (ўзб.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 «Фан оламида». 18.15 «Горичилар, қаердасиз!». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Партия планлари — халқ планлари». 19.50 «Спортлото» тиражи. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида.** 20.00 «М. Е. Салтиков-Шчедрин». Туғилган кунинг 150 йиллигига бағишланади. 20.50 Виолончелда Илес Иброҳимов чалади. 21.15 «Уйимга ташриф буюр». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 22.30 «Нежданова кўчасида». 23.35 Мини-футбол бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия (ўзб.). 20.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 20.15 «Совет давлат ва ҳуқуқ асослари». «Оила ҳуқуқи». 20.45 «Тошкент» телепрограммаси. «Китоб дўстлари». 21.10 «Дала гули». Телевизион бадиий фильм.

29 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горичилар, қаердасиз!». 11.15 «Бегона-мустанг». Телевизион бадиий фильм. 12.25 «Г. Ципола куйлайди». 15.25 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 «Маяковский — драматург». 17.15 «Шахмат мактаби». Разряднилар учун. Эндшпиль. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим» (ўзб.). **Рус тилида:** 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.45 Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди шарафига. «Прогресс» программаси. **Москва кўрсатади.** 19.15 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС социал-иқтисодий сиёсатининг илмий асослари». Смоленск область партия ташкилотларининг РСФСРнинг қора тупроқ бўлмаган зоналарида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги иш тажрибаси ҳақида. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.45 А. Навоий номли Давлат Академик Катта театри артистларининг концерти. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Қозоғистон, Қиргизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон телевиденияларининг биргаликдаги кўрсатуви (рус.) **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Техника шаҳ бўлсин!». «Қишлоқ ҳақиқати» газета редакцияси Ўзбекистон телевиденияси ва радиосининг биргаликдаги рейди. 2-Кўрсатув. 22.50 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Сурхондарё область музикали драма театри артистларининг концерти. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 16.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 21.10 «Куба, биринчи съезд йили». 20.40 «Шундай юксак тоғлар». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 М. Е. Салтиков-Шчедрин туғилган кунинг 150 йиллигига бағишланган кеча. 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Совет давлат ва ҳуқуқ асослари». «Оила ҳуқуқи» (ўзб). **Рус тилида:** 19.30 «Янгидан сақланинг». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «СССР халқларининг куйлари». Концерт.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Майдонга кимлар тушиши аниқланди

31 январь куни майдонга тушадиган СССР ва АҚШ терма командаларининг составлари аниқланди, боксчилар Тошкент Марказий «Юбилей» спорт залида куч синашадилар.

— Тошкентдаги мусобақа океаннинг нариги ёғидаги боксчилар билан бу йилги учрашувларнинг учинчи, якунловчиси бўлади. Шунинг учун ҳам бу мусобақа алоҳида аҳамиятга эгадир, — деб таъкидлади Ўзбекистон терма командасининг бош тренери Мирсолих Соатов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда. — Москвада, Ереванда ва Тошкентда бўладиган учрашувларда қатнашиш учун СССР бокс федерацияси аслини олганда учта терма команда тузди. Бу майдонда ҳам тажрибали, ҳам ёш жангчиларнинг маҳоратини тағин бир марта кўздан кечириш имкониятини беради. Масалан, Ўзбекистон пойтахтида майдонга тушадиган группанинг составида жаҳон чемпиони ва СССР халклари VI спартакиадасининг чемпиони Р. Рисқиев сингари машҳур спортчи ҳам, ҳали жуда ёш боксчи донецклик В. Иванов ҳам бор. Тўғри, у АҚШ боксчилари билан яқинда бўлиб ўтган мусобақаларда уч марта ишонарли ғалаба қозонди. Донецклик оғир вазнли бу боксчи Америкада бўлган учта жангда ҳам рақибини нокаут қилиб муддатидан илгари ғолиб чиқди.

Маълумки, команда составида ўн бир киши бор.

Вазн категориясига қараб, кўзда тутилган состав қуйидагилардан иборат:

В. Плакуший (Олмаота), В. Литвинов («Труд», Краснодар), Ф. Пак (Қуролли кучлар, Тошкент), унинг ҳамюрти ва клубдоши Р. Ҳайруддинов, О. Зокиров («Меҳнат резервлари», Тошкент), В. Рачков («Динамо», Олмаота), В. Юдин («Буревестник», Фарғона), А. Журавлев («Труд», Челябинск, Р. Рисқиев («Динамо», Тошкент), А. Шпилев (СКА, Тошкент) П. Заев (Москва).

Кўриниб турибдики, мамлакат боксчиларининг терма командасига Ўзбекистон вакилларидан тўрт киши киритилган. СССРда хизмат кўрсатган тренер Борис Гранаткин Тошкентда майдонга тушадиган терма командининг бош тренери қилиб тайинланганлиги Ўзбекистон бокс мактаби эришган муваффақиятларнинг тан олинишидир. Борис Гранаткин машҳур спорт педагоги бўлиб, жаҳон чемпиони Р. Рисқиев ва бошқа моҳир боксчилар унинг шогирдларидир.

АҚШ командасининг тахминий состави қуйидагилардан иборат: Луис Кертис, Ричард Роузелл, Чарльз Муни (ёки Бернард Тейлор), Дэйв Армстронг, Ричи Робертс, Милтон Стюард, Рожер Леонард, Кейт Брум, Майкл Спинск (ёки Рэй Кейтс), Леон Спинск, Марвин Стинсон (ёки Жеррольд Куни).

СССР ва АҚШ боксчиларининг Самарқандда ҳам учрашуви кўзда тутилади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р—01156. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2994.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.